

ЖАЛК СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

4 май, якшанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 98 (1615)

О. Л. СКАЛФАРО:

«ЎЗБЕКИСТОН -- МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ТАЯНЧИ»



3 май куни «Дўрмон» қароргоҳида расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Италия Республикаси Президентининг Оскар Луиджи Скалфаро расмий кутуб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Президентининг Ислоҳ Каримов ва Италия Президентининг Оскар Л. Скалфаро махсус шоҳсупага кўтарилди. Икки давлат маданиятлари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Расмий кутуб олиш маросими ниҳоясига етган, қароргоҳда Ислоҳ Каримов билан Оскар Л. Скалфаронинг яккама-якка суҳбати бошланди. Суҳбат чоғида халқроқ сиёсатда ўз бераётган ўзгаришлар, муаммолар, хусусан, халқроқ террорчилик, контрабанда, уюшган жиноятчилик ҳамда Европа ва Осиёда минтақавий хавфсизлик масалалари юзасидан фикрлар алмашилди. Мамлакатимиз раҳбари О. Л. Скалфаронинг Ўзбекистонга ушбу ташрифи ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтаришига қатъий ишоничлини маълум қилди.

Италия Президентининг О. Л. Скалфаро Ислоҳ Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукуматининг, айниқса, ички ва ташқи

сиёсат борасидаги сазой-ҳаракатларида юқори баҳо берди. Ўзбекистон раҳбари билан қарийб икки соат давом этган мулоқотнинг жуда қизиқарли ўтганини алоҳида қайд этиб, ундан тўлиқ қониқчи ҳосил қилганини таъкидлади.

Шундан сўнг, икки давлат президентлари иштирокчида Ўзбекистон ва Италия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар чоғида Президент Ислоҳ Каримов мустақиллик қўлга киритилганидан буён республикамизда амалга оширилган ишлар, айниқса, иқтисодий ислохотлар ва ижтимоий соҳада ўз бераётган ўзгаришлар ҳақида сўзлади. Мамлакатимиз раҳбари Италия билан икки томонлама солиқ олмаслик, сармояларини ўзаро ҳимоялаш, илм-фан ва маданият соҳасида ўзаро тажриба алмашиш каби иқтисодий ва ижтимоий масалалар билан бирга, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш борасида ҳам ҳамкорлик қилиш гояти фойдали бўлишини қайд этди.

Италия Президентининг Оскар Л. Скалфаро Ўзбекистондаги сиёсий ва ижтимоий барқарорликка юқори баҳо

бериб, Ўзбекистон делегациясининг тақлифларини тўлиқ қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Президент О. Л. Скалфаро Ўзбекистоннинг Афғонистонга қурол-ароғ олиб киришни тақиқлаш, Марказий Осиёни ядросиз ҳудуд, деб эълон қилиш борасидаги тақлифларини ҳам тўлиқ маъқуллади.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар якунида «Ўзбекистон Республикаси ва Италия Республикаси ўртасида ўзаро муносабатлар қатъиятлари тўғрисидаги қўшма декларация», Ўзбекистон Республикаси ва Италия Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим, икки мамлакат ўртасида маданий ва илмий ҳамда туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланди. Хужжатларни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ва Италия Ташқи ишлар вазирига котибининг ўринбосари Пьеро Фассино имзоледи.

Хужжатларни имзолаш маросими ниҳоясига етган, шу эрининг ўзида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда Ўзбекистон Президентининг Ислоҳ Каримов музокараларнинг самарали ўтганидан мамнуният изҳор этди ва бу музокаралар якунида мўхм хужжатларнинг имзоланишини йилдан-йилга кенгайтириб

бор қаратилди. Жумладан, Ислоҳ Каримов уруш қарда бўлмагани уруш қарда қолверишини айтиб, Италиянинг қўшниси -- Албаниядаги воқеалар Ўзбекистон аҳлини, Афғонистондаги қуролли жанжаллар Италия жамоатчилигини бефарқ қолдирилмаслигини алоҳида таъкидлади. Италия Президентининг Ўзбекистон ҳукуматининг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида фуқаролар ҳуқуқларини тўлиқ кафолатлагани ва мўхм иқтисодий ютуқларга эришганини, аввало, мамлакатдаги барқарорлик туфайли эканини таъкидлади ҳамда Ўзбекистон -- Марказий Осиёдаги тинчлик ва барқарорлик таянчи эканини айтди.

Биз Марказий Осиёдаги сиёсатимизни Ўзбекистондаги вазиятдан, Ислоҳ Каримовнинг юртгаётган оқилона ташқи сиёсатидан келиб чиққан ҳолда белгилаймиз. Чунки, Ўзбекистон бу минтақадаги тинчлик ва барқарорликни қўллаб-қувватлайдиган ва кафолатлайдиган давлатдир, -- деди жаноб Скалфаро.

Шу кун Оскар Луиджи Скалфаро Президент Ислоҳ Каримов ҳамроҳлигида пойтахтдаги Ўзбекистон Миллий боғига ташриф буюрди. Бу ерда Италия Президентининг буюк бобоқалонимиз, газал мулкчининг султони ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

Италия президентининг О. Л.

Скалфаро Ўзбекистон Бош вазири У. Султонов ҳамроҳлигида Олий Мажлисга ташриф буюрди. Олий Мажлис раиси Э. Халилов олий даражали меҳмонни Ўзбекистонда қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёни билан таништирди. Мамлакатимизда 1997 йил -- инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани, бу боралада юртилаётган ишлар, махсус тадбирлар ҳақида сўзлади.

Учрашувда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Оқшом Тошкентдаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Президент Оскар Л. Скалфаро Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимлари ҳамда бизнесменлар фаолияти билан танишди.

Италия президентининг Оскар Луиджи Скалфаронинг мамлакатимизга ташрифи давом этмоқда. (ЎзА).

СУРАТЛАРДА: расмий кутуб олиш маросими. С. ЗУФАРОВ тасвирга олган.

ОЛМОНИЯДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

28 апрель. Германия Федератив Республикасида Ўзбекистон маданият кунлари дастурига биноан Бетховен номидаги концерт залида ушбу анжуманинг тантанали очилиш маросими бўлди.

Маросимда сўзга чиққан делегация раҳбари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Владимир Норов ва ГФР Ташқи ишлар вазиригининг Давлат котиби Петер Хартманлар мазкур тадбирнинг ўзбек ва олмон халқлари ўртасидаги алоқаларни раванқ топишидаги аҳамияти ҳақида сўз олдидилар.

Ўзбекистон маданияти кунларининг тантанали очилиш маросимида ўзбекистонлик санъат усталари зур олқишларга сазовор бўлган концерт дастури билан қатнашдилар.

Тадбир дастурига мувофиқ К. Аденауэр фонди биносидан «Амир Темури ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзусида илмий анжуман ўтказилди. Анжумани мазкур фонд раҳбарларидан бири Вильгельм Хофмайстер ҳамда Ўзбекистон Фанлар Академияси президенти Тўхтамурод Жўраевлар кириш сўзи билан очдилар.

Ўзбекистонлик тарихчи олимлар кўҳна Самарқанд тарихи, Амир Темурининг мамлакатдорлик фаолияти ва ўша даврнинг иқтисодий ҳаёти ва тараққиёти ҳақида маъруза қилдилар. Ушбу анжуманда олмониялик темуршунос олимлар Юрген Пауль ва Тильман Нагелларнинг чиқишлари, шунингдек, мунозараларда қатнашган бошқа олимларнинг фикр ва мулоҳазалари анжуман иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Фан ва таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик дастурига мувофиқ ўзбекистонлик олимлар Германиядаги машхур Гете институтига ташриф буюрдилар. Мазкур институтнинг раҳбари доктор Георг Лехнер ҳамда институт олимлари билан бўлган суҳбатларда Германия ҳамда Ўзбекистон олий ўрта-ўрта-ўрта келажакда ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилиш масалалари муҳокама қилинди. Бундан ўтган учрашувларда олий таълим жараёнини янада ривожлантириш ҳамда олмониялик олимлар томонидан Тошкентда Гете институтининг филиалини очилиш тўғрисидаги фикрлар илгари сурилди. Бу тадбирни амалга оширишда олмонияликлар яқиндан ёрдам беришга тайёр эканликларини билдирдилар.

29 апрель куни Ўзбекистон расмий делегацияси аъзоларини Бундестаг вице-президенти Б. Хирш қабул қилди. Икки томонлама ҳамкорлик, маданият ва бошқа амалий алоқалар доирасидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама этилди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари Германия маданият вазири Кенгашига ташриф буюрдилар. Кенгашнинг Бош котиби Й. Шульц-Хардт билан бўлиб ўтган суҳбатда таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш масаласи кўтарилди.

Ташқи ишлар вазиригида делегация Ташқи ишлар вазиригининг давлат котиби Х.-Ф. фон Плетц томонидан қабул қилинди. Суҳбат давомида томонлар икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни чуқурлаштириб бориш лозимлигини қайд этдилар.

Шу куннинг ўзида делегация аъзоларининг Бундестагга ХДС/ХСС бирлашган фракциясининг ташқи сиёсат бўйича комиссияси раҳбари К. Ламмерс, К. Аденауэр фондининг ижрочи директори Л. Крафт билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мюнстер шаҳрида Маданият кунлари иштирокчилари маҳаллий ишқибозлар билан биргаликда Ўзбекистон терма жамоаси ва маҳаллий клуб футболчилари ўртасидаги ўртоқлик учрашувини томоша қилдилар. Спорт учрашувидаги дуранг натижа ҳам уйининг ўртоқлик руҳида ўтганидан далolat беради.

30 апрель куни делегация аъзолари Александр Хумбольт фондида бўлдилар. Табиий ва ижтимоий фанлар соҳасида тадқиқотлар юритиш билан ном тартатган бу фонда бўлиб ўтган суҳбатларда Германияда ўзбекистонлик ёшларни ўқитишга доир истиқболли режалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Фан, тадқиқотлар ва технологиялар вазиригида бўлиб ўтган суҳбатда немис тили бўйича мутахассислар тайёрлаш ҳамда Тошкентда махсус олий ўқув маскани ташкил этиш режаси кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси расмий делегациясининг Германияга сафар дастури ниҳояланди. Мамлакатимизнинг Германиядаги маданият кунлари давом этмоқда.

«Жаҳон» ахборот агентлиги.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси У. Қ. Мингбоев раислигида Олий суднинг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда «Суд ҳукми тўғрисида» ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Маълумки, суд ҳукми Ўзбекистон Республикаси номида чиқарилади ва жиноятни содир этишда шахсини асоси эъланлашдан, ҳуқуқий ҳимояларини таъминловчи ва айбсизлик презумпцияси таъминловчи оғишмай амал қилишнинг мўхм тарофи ҳисобланади.

Ҳукм суднинг ақти сифатида шахсининг айбдорлиги (айбсизлигини) аниқлайди, унинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги)га баҳо беради, жазонинг турини ва миқдорини белгилайди.

Судлар ҳукм чиқаришда жиноят процессининг умумий тамойилларига амал қилишга мажбурдилар ва бу боралада суднинг ҳар бир ҳукми қонуний бўлиб, фақат ҳайъатда (якка тартибда), судьяларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунига бўйсунуши, оқил-ақилнинг фуқароларнинг қонуни ва суд олдига тенглиги асосида амалга оширилиши, шахсининг шайи ва қадр-қимматини ҳурмат қилган ҳолда, та-

рафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва озаки усулда текширилиши асосида чиқарилади ҳамда иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилади.

Ушбу тамойиллардан ҳар қандай чет-кечкин ҳукмини асоси эъланлашга сабаб бўлади.

Судлар иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўлалиган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланишлари лозим.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси пленумда ҳукм инкор этиб бўлмайдиган далилларга асосланган бўлиши шартинини уқтирди.

Пленумда сўзга чиққанлар ҳуқуқий демократик давлат қўллаш, қонуни устуворлигини таъминлаш учун кураш кетаётган ҳозирги даврда Олий суд пленуми муҳокама қилинган «Суд ҳукми тўғрисида»ги масала ниҳоятда долзарб эканлигини таъкидладилар, қабул қилинган қарор оқил судовни амалга ошириш, суд ҳокимиятини мустақамлашда мўхм хужжатлар бўлиб қолишини айтиб, қарор

лоийҳасининг бандлари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Пленумда «Фуқаролар томонидан хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги масала ҳам муҳокама қилинди.

Пленум муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилди.

Пленумда, шунингдек, янги тайинланган судьяларнинг «Судлар тўғрисида»ги Қонунга биноан қасамда қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси У. Қ. Мингбоев янги судьяларни таъриқлар экан, уларнинг ҳалола ва интизомли бўлиши, ўзларининг барча ҳаракатларида ноғужа -- ёки ноғужа -- бўлиб кўриниши мўхм бўлган ҳаракатлардан тийишли, доимо жамоатчиликнинг диққат-этиборида туриши, умуминсоний одоб-ахлоқ қоидалари асосида бўлишга эришиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, у судья барча ҳаракатларида мўхминини мўхмин бўлмагандан фарқ қила билиши, хизмат мавқеидан шахсий манфаатлари ёки уни қизиқтирган шахсларнинг манфаати учун фойдаланишларини зарурлигини айтди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуроври Б. Мустафоев, ақли вазири С. Мирсабоев ҳамда Қорақалпоғистон Олий суди, Тошкент шаҳар ва вилоят судлари раислари, тегишли вазирилик ва идораларнинг маъсул ходимлари иштирок этдилар.

Э. БОЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҚОНУН, ИЖРО, МАСЪУЛИЯТ

Урганч шаҳрида «Хўжалик низолири бўйича судлов ишларини юритиш» масаласида бағишланган халқроқ илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда республикамиздаги таниқли ҳуқуқшунос олимлар, соҳа мутахассислари, шунингдек, АҚШ ва Германиядан ташриф буюрган бир гуруҳ тақди-

қотчи ҳамда амалиётчилар иштирок этишди.

Республика Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида биринчи ўқишда қабул қилиниб, жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилган «Хўжалик процессуал кодекси» муҳокама марказида бўлиб, Ўзбекистон Олий ҳўжалик суди ҳамда Гер-

маниянинг техника ҳамкорлиги жамияти томонидан ташкил этилган ушбу семинарда таъкидланганидек, халқроқ метёрларга мослаштирилган янги кодекс республика ҳўжалик судлари фаолиятини тақомиллаштиришда мўхм аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Маърузачи ва сўзга чиққан

ЎХТАШИ ЙЎҚ МУСОБАҚА

Эзгу ният туфайли ўз ижобатини топган «Хавас» теннис турнири юртимиз спорт оламидагина эмас ижтимоий ҳаётимизда ҳам ўз ўрнию мавқеини топиб бормоқда.



6-8 май кунлари пойтахтимизнинг муҳташам «Динамо» теннис кортида ўтайдиган ушбу турнирга пухта ҳозирлик кўриломқда. Дастлаб мамлакатимизнинг барча вилоятларида мазкур турнирга йўлланма олиш учун даъвогарлар ўртасида ўзига хос саралаш мусобақалари бўлиб ўтди.

Иккинчи марта ўтаётган бундай спорт анжумани ўтган йилгисидан тубдан фарқ

қилади. Чунки, қисқа фурсат ичда республикамизнинг кўплаб туман, шаҳар ва вилоят мар-

ёрам берган бўлса, иккинчи томондан юртимизда спортнинг ушбу тури янада оммавийла-

мустаҳкамлаш, одамлар турмушига мазмун бахш этиш, ҳаётимизни янада гўзал ва фаровон қилишдир.

«Хавас» турнири бошқа ўнлаб мусобақаларнинг турғилишига туртки бўлди. Халқимиз бундай турнирларни фақат томоша абин-муҳлис бўлибгина эмас, бевосита иштирокчи сифатида ҳам қўллаб-қувватламқда. Бир сўз билан айтганда «Динамо» теннис издиҳоми ичра мусобақа бошланганлигини билайрувчи ҳакам хўшгагининг овоз бутун мамлакатимизда акс садо бериши шубҳасиздир.



казларида кўп жиҳатдан жаҳон андозаларига мос теннис кортлари қурилишга тушириладики, бу бир томондан мусобақа иштирокчиларининг маҳорати ошишига

шишига сабаб бўлди. Аслида кўркам теннис мажмуаларини барпо этиш, туран мусобақалар ўтказишдан кўзланган ягона мақсад -- халқимиз соғлигини

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛИ (ОМБУДСМАН) ТЎҒРИСИДА

1-модда. Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари буйича вакили... мансабдор шахс бўлиб, унга Ўзбекистон Республикасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар** томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самаралорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.

Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари буйича вакили институтини инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ва воситаларини тўлдирди. Вакил Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқроқ ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, халқроқ ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади, фуқароларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ижтимоий онгини оширишга кўмаклашади.

2-модда. Вакил ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикасининг халқроқ шартномаларига, шунингдек, халқроқ ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормаларига асосланади.

Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради.

3-модда. Вакил Олий Мажлис томонидан депутат орасидан Олий Мажлисининг ваколатлари муддатига сайланади. Олий Мажлисининг ваколатлари муддати тугагач, Вакил янги Вакил сайлангунигача қадар ўз вазифаларини бажариб туради.

Вакилнинг Олий Мажлис томонидан сайланганидан ўринбосари бўлади. Вакил ўринбосарига Вакил учун белгиланган ҳуқуқлар ва кафолатлар таъбиқ этилади.

4-модда. Вакил фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, адолатпарварлик, демократизм, инсонпарварлик, ошкоралик, ҳар бир киши учун очиқликдир.

5-модда. Вакил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати бўлиб, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгадир.

6-модда. Вакил ҳар йили Олий Мажлисга ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот тақдим этади ва у Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номасида эълон қилинади.

Вакил инсон ҳуқуқлари ва эркинликларни соҳасидаги халқроқ шартномаларнинг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикасининг йиллик маърузаларини тайёрлашда иштирок этади.

7-модда. Вакил ўз ваколатларини бажариш муддати давомида сиёсий партияга аъзоликни ёки унда иштирок этишни тўхатиб туриши ёхуд бутунлай тўхатиши шарт. Вакил ҳақ тўланадиган бирор-бир бошқа лавозимни эгаллаши, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши мумкин эмас. Ҳуқуқчилик, илмий ва ижодий фаолият бундан мустасно.

8-модда. Вакил Олий Мажлис томонидан қуйидаги ҳолларда лавозимдан муддатидан олдин озод қилиниши мумкин:

ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш тўғрисида ариза берганида; саломатлиги жиддий равишда бузилган ва бу тиббий гувоҳномаси билан тасдиқланганда; унинг депутатлик ваколатлари тўхатилганда; суднинг унга нисбатан айблов ҳукми қонуний кучга кирганида.

9-модда. Вакил Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган ажабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузган ташкилотлар ёки мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқадими ва ўз текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга.

Вакил учинчи шахслар, шу жумладан, жамоат бирлашмаларининг аниқ бир киши ёки бир гуруҳ шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги устидан берган шикоятларини кўриб чиқиш учун қабул қилади, бунинг учун уларнинг розилиги бўлиши шарт.

Вакил суднинг ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни кўриб чиқмайди.

10-модда. Вакил аризаچининг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан бошлаб ёки агар аризачи ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг бошқа воситаларидан фойдаланган ҳамда қабул қилинган қарорлардан қониқмаган бўлса, ўз шикояти буйича қабул қилинган охири қарордан хабар топган пайтдан бошлаб, бир йил давомида берган шикоятларини кўриб чиқадими.

11-модда. Вакилга берилган шикоятда аризаچининг фамилияси, исми, отасининг исми ва унинг манзили, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилинаётган ташкилотнинг номи, мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши, аризаچининг фикрича унинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик моҳияти баён этилиши зарур. Шикоятга аризаچининг талабларини тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа гувоҳномалар илова қилинади.

Вакилга берилган шикоят учун давлат божи олинмайди.

12-модда. Вакил қуйидаги ҳуқуқларга эга:

шикоятни кўриб чиқиш; аризачи ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун фойдаланиши мумкин бўлган воситалар ва шакллари кўрсатиш; шикоятни ҳал қилишга ваколатли бўлган ташкилот ёки мансабдор шахсга юбориш; аризачининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан таништириш; шикоятни кўриб чиқишнинг сабабини, албатта, кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

сарф қилиш ҳақида; қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни кўриш.

13-модда. Шикоятни кўриб чиқиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолларни ўз ташаббуси билан текшириш чоғида Вакил қуйидаги ҳуқуқларга эга:

аниқлаштириш лозим бўлган ҳолатларни текширишда кўмаклашишни сўраб ташкилотлар ва мансабдор шахсларга мурожаат қилиш; аниқлаштириш лозим бўлган ҳолатларни текшириш учун ташкилотларнинг вакиллари ва мансабдор шахсларни тақлиф этиш. Текширув ўтказишни ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилинаётган ташкилот ёки мансабдор шахсга топшириш мумкин эмас; ташкилотларга ва мансабдор шахслар ҳузурига бемалол кириш;

ташкилотлар ва мансабдор шахслардан ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш; мансабдор шахслардан тушунтиришлар олиш;

ташкилотлар ва мутахассисларга аниқлаштириш зарур бўлган масалалар юзасидан хулосалар тайёрлашни топшириш;

ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор масалалар юзасидан ўтказилаётган текширувларда иштирок этиш; ушланган ёхуд қамоқда сақланаётган шахс билан учрашиш ва сўхбатлар ўтказиш;

ҳаракатларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш ҳоллари аниқланган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида хат билан тегишли органларга мурожаат этиш.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолатларни текшириш чоғида маълум бўлиб қолган аризаچининг ва бошқа шахсларнинг ҳусусий ҳаётига тааллуқли маълумотлар уларнинг розилигисиз ошкор қилиниши мумкин эмас.

14-модда. Мансабдор шахслар Вакил сўраган, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Вакилнинг ҳулосасида бошқа тавсиялар ҳам ифодаланиши мумкин.

17-модда. Вакил Олий Мажлисининг, сессиялар оралиғидаги даврда эса, Олий Мажлис Кенгашининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибса олиниши ёки суд томонидан берилмаган маъмурий жазага тортилиши мумкин.

Олий Мажлис Вакилига нисбатан жиноий иш фақат Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Вакилни мажбурий тарзда олиб келиш, ушлаб туриш, шунингдек, унинг шахсий буюмлари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат хоналарини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

18-модда. Вакилга шикоят берган шахс, шунингдек, Вакил томонидан ахборот тўплаш ва уни таҳлил этиш ёки эксперт баҳоси бериш топширилган шахслар бу ҳаракатлари учун таъқиб остига олиниши ёки бошқа тарзда ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас.

19-модда. Вакилнинг зиммасига юкланган вазифаларни бажариш юзасидан унинг фаолиятига кўмаклашиш учун Олий Мажлисининг Вакили раислигида Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши буйича комиссия тузилади.

Комиссия ўз фаолиятида Олий Мажлисининг Кенгаши томонидан тасдиқланган Регламентга асосланади.

Вакил Комиссия аъзосини ўз вакили этиб тайинлаши мумкин.

20-модда. Вакилнинг фаолиятини таъминлаш учун Котибият тузилиши мумкин, ушбу Котибият ҳақидаги низо Вакил томонидан тасдиқланади.

Вакил давлат герби тасвири туширилган ўз муҳрига эга бўлади.

Вакилнинг фаолиятини моддий ва бошқа жиҳатлардан таъминлаш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Вакилнинг ҳулосасида бошқа тавсиялар ҳам ифодаланиши мумкин.

17-модда. Вакил Олий Мажлисининг, сессиялар оралиғидаги даврда эса, Олий Мажлис Кенгашининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ҳибса олиниши ёки суд томонидан берилмаган маъмурий жазага тортилиши мумкин.

Олий Мажлис Вакилига нисбатан жиноий иш фақат Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан қўзғатилиши мумкин.

Вакилни мажбурий тарзда олиб келиш, ушлаб туриш, шунингдек, унинг шахсий буюмлари, юки, транспорти, турар жойи ёки хизмат хоналарини кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

18-модда. Вакилга шикоят берган шахс, шунингдек, Вакил томонидан ахборот тўплаш ва уни таҳлил этиш ёки эксперт баҳоси бериш топширилган шахслар бу ҳаракатлари учун таъқиб остига олиниши ёки бошқа тарзда ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас.

19-модда. Вакилнинг зиммасига юкланган вазифаларни бажариш юзасидан унинг фаолиятига кўмаклашиш учун Олий Мажлисининг Вакили раислигида Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши буйича комиссия тузилади.

Комиссия ўз фаолиятида Олий Мажлисининг Кенгаши томонидан тасдиқланган Регламентга асосланади.

Вакил Комиссия аъзосини ўз вакили этиб тайинлаши мумкин.

20-модда. Вакилнинг фаолиятини таъминлаш учун Котибият тузилиши мумкин, ушбу Котибият ҳақидаги низо Вакил томонидан тасдиқланади.

Вакил давлат герби тасвири туширилган ўз муҳрига эга бўлади.

Вакилнинг фаолиятини моддий ва бошқа жиҳатлардан таъминлаш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президент И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 24 апрель.



Бухоро наққошларининг доверуи оламга кетган десак муболаға бўлмас. Сиз суратда кўриб турган Гулчехра Раҳматова ҳам ушбу касбни 20 йилдан буйи ардоқлаб келади.

«Тоқи Саррафон» масжиди қошида жойлашган «Гуллобод» кенг тармоқли оилавий ҳунармандчилик устанонасида меҳнат қилиб келётган Гулчехра яратган нафис санъат намуналари Германия, Америка, Англия, Япония давлатларида бўлган кўрсатмаларда муносиб ўрин олган.

Ҳ. ҚУРБОНОВ тасвирга олган.

НАЗОРАТ АМАЛДА

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИНДИ

Бозор иқтисодиёти шароитида яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқаришдан ҳеч қандай фойда келмайди, фақат зарар келади. Лекин бу ҳақиқатни кўп одамлар ҳануз англаб етганлари йўқ. Утган йилнинг ўзидагина Ўзбекистон давлат стандарти ходимлари турли маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга деярли 30 миллион сўм жарима соғдилар. Шу йилнинг биринчи чорагида ҳам истеъмолчилар ҳуқуқларини бузувчиларга каттаги жарима солинди. Яъни стандарт талабларига риоя этмай маҳсулот ишлаб чиқариш ҳануз давом этмоқда. Давлат назорати ходимлари Олий Мажлис томонидан қабул қилинган, стандартлаш, маҳсулотни сертификатциядан ўтказиш, метрология ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қондаларини аниқ белгилаб қўйилган қонунларга мувофиқ ҳаракат қилиб, сифатсиз маҳсулотлар йўлига гов солмоқдалар.

АРЗИМАГАН НАРСА, ЛЕКИН КЎНГИЛСИЗ

Тошкентдаги «Кўкча» очик турдаги акционерлик жамияти эркакларнинг ёзги миллий кийими -- яктак ёрликларидеги маълумотларни "бузиб кўрсатгани учунгина 8,4 минг сўм жарима тўлашга мажбур бўлдилар. Текширувчилар бу ерда тикилаётган аёллар костюмларининг 20 фоизини яроқсиз деб топдилар. Тикувчилар қизлар учун тайёрланган кийимлар меъёрига мослигини тасдиқловчи сертификатни ҳам кўрсата олмадилар. Бу маҳсулотларни сотиш тақиқлаб қўйилди. Комиссия корхонани такрорий текшириш пайтида акциядорлар текширишдан тўғри хулоса чиқариб, маҳсулот сифатини яхшилаганлигига ишонч ҳосил қилди.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИ НОТЎҒРИ БЎЛИБ ЧИҚДИ

Бухоро вилоятининг Когон туманидаги хўжалик асосида ишлайдиган сут заводида текширилган барча маҳсулотлар стандарт талабларига жавоб бермади. Бундай суддан кўра сувни ичган яхшироқ.

«Хаваскор» сарёғини сотиш тақиқланди. Бунинг устига маҳсулот сифатини аниқлаш воситалари ҳам қоникорсиз аҳволда экани маълум бўлди. Корхонага ва шахсан директорга солинган жарима таъсир қилди, маҳсулот сифати яхшиланди, ўлчов асбоби тартибга келтирилди.

КОЛБАСА ҲЕЧ КИМГА НАСИБ ҚИЛМАДИ

Бозорларни акциялаш уларнинг ишини яхшилашга қаратилган, албатта. Афсуски, ҳамма жойда ҳам шундай бўлмапти. Масалан, Тошкентдаги «Эски жува бозори» очик турдаги акционерлик жамияти текширилганда бу ерда сотилаётган қаймоқ, ярим дудланган ва қайнатилган колбасалар сифат жиҳатидан талабга жавоб бермагани учун яроқсиз деб топилди.

Бир неча мансабдор шахс бозорни назорат қилмагани учун маъмурий жавобгарликка тортилди, улардан жарима ундирилди. Яроқсиз колбаса эса йўқ қилиб ташланди. Бу бошқаларга сабоқ бўлармикан?

Г. КОВАЛЬ, ў.А. мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚАРОРИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛИНИНГ 1996 ЙИЛГИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари буйича вакили С. Ш. Рашидованинг ҳисоботини эшитиб ва муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади: 1. Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмини яратишга қаратилган катта ишлар авж олдирилганлиги қайд этиб ўтилади.

2. Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари буйича вакилининг 1996 йилги фаолияти маълумланди. 3. Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари буйича вакили: инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун тегишли органлар ва мансабдор шахсларга нисбатан талабчанликни оширсин; фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатлари бузилганлиги тўғрисидаги шикоятлар юзасидан ўз қарорларининг ижро этилиши устидан назоратни кучайтирсин; инсон ҳуқуқлари соҳасида фуқароларнинг ижтимоий

қимматини давлат томонидан ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, ўз фаолияти маданиятини ошириш зарурлигига қаратилсин. 5. Оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мансабдор шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар, материаллар ва бошқа маълумотларни тақдим этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 1997 йил, 24 апрель.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

БОЖХОНА -- ИҚТИСОДИЁТ ТАЯНЧИ

Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида Жаҳон божхона ташкилотининг (ЖБТ) бош котиби Жеймс Шавер Марказий Осиё республикалари божхона хизмати раҳбарлари билан амалий учрашув ўтказди.

диёт шариоитида товарнинг бир мамлакат божхонасидан иккинчисига тез суръатларда текширилиб эркин ҳаракатини йўлга қўйиш жуда муҳимдир. Жаҳон савдо тизимида барча давлат божхоначилари учун қўлай товарларни қоллашнинг ягона усулини жорий этиш орқали мамлакатлар ўртасидаги эркин савдо-сотиқни ривожлантириш бугунги куннинг талабидир.

Маълумки, Ўзбекистон ЖБТга 1992 йилдан буюн аъзо. Ушбу ҳужжатларроқ халқроқ ташкилот ўз олдинга дунё мамлакатларидаги божхона иши борасидаги дастурларни ишлаб

ана шу масалаларга бағишланди. Анжуманин оқтан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош божхона бошқармаси бошлиғи С. Алимбоев меҳмонларни қадимий ўзбек заминига қутлар экан, мамлакатимизда божхона соҳасида дунёнинг бир неча ривожланган давлатлар билан бир қаторда Жаҳон божхона ташкилоти билан қилинган ҳамкорлик йўлга қўйилганини қайд этди.

У халқроқ ташкилотнинг энг муҳим йўналишларидан бири -- ҳозирги замон шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда божхона хизматларини ислоҳ этиш ва тараққиёт дастурини ҳаётга таъбиқ этиш хусусида гапирди. Анжуманда шу дастурга тегишли фильм намойиш этилди.

Учрашув иштирокчилари божхона соҳасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, ЖБТ тажрибаларини ўрганиш хусусида фикр алмашдилар. Шундан сўнг жаноб Шавер ҳамда Марказий Осиё республикалари божхона хизмати раҳбарлари Бош божхона бошқармаси (БББ) фаолияти ҳамда Миллий кинология маркази билан танишдилар. Жаноб Шавер БББнинг замонавий асбоб-ускуна билан жиҳозланган марказий лабораториясини кўздан кечиран

ДИДАГИ ГАПЛАР

ҚИЁФАСИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

Навоий шахрида май ойида «Ўзбек номшунлигининг назарий-амалий муаммолари» мавзuida илмий анжуман ўтказиш мўлжалланмоқда.

Фахриддин Бахромо-вич, кейинги пайтларда жойлар, корхоналарини номлашда халқ номидан иш қўрадиган «ташаббускор»лар пайдо бўлмоқда.

Фахриддин Бахромо-вич, аввало конференциянинг ташкилий жараёнини ҳақида сўзлаб берсангиз.

Эсингизда бўлса, 1993 йилнинг апрель ойида шахримизда давлат тили муаммоларига бағишланган республика илмий анжумани ўтказилган.

ТОМОРҚАНИНГ КАРОМАТИ

Сурхондарёнинг шимолдаги деҳқонлар урдабурон бўлиши ади.

Шимол деганда Узун, Денов, Сарюсиё, Шўрчи, Олтинсой, боринги, Қумқўрғон туманлари англашлади.

Гап шундаки, Сурхондарё шароитида, айниқса, унинг шимолда апрелнинг иккинчи ўн кунлигида эртаги пиёзни еттиштириш мумкин экан.

Айтмоқчи, Тошкент бозорига юз сўмдан сотилаётган эртаги картошка ҳам худди шу Денов туманининг «Галаба» жамоа хўжалиғидан томорқаларда етиштирилган.

Эркаклар боқувват бўлиши керак

Шажар дорихоналарига мувожаат қилини.

ртлидк.

Номлар халқ тилининг мислсиз, ўзига хос, бетакрор луғавий бойлиги бўлиб келган.

1996 йилнинг 31 майида республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ҳудудий тўзилиш, аҳоли пунктлари, корхоналар ва бошқа топономик объектларни номлаш масаласини тартибга келтириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди.

Ушбу қарор бизни ижтимоий ҳаётимизда тўпланиб қолган муаммоларни ҳам-жиҳатликда ечишга даъват этади.

Махмуд МАРДИЕВ.



ХАҒТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 5

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!», Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.30 «Хафтанома».

9.30 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Кўнгли қолма муҳаббатдан».

ЧОРШАНБА, 7

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!», Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 «Альманах-ТВ». 9.00 «Ўзбек-телефильм» намойиш этади: «Фосат».

18.00 Кундалик. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Ерилош». Мульттўплам.

СЕШАНБА, 6

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!», Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Зорикиб қулган кун».

ПАЙШАНБА, 8

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!», Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Танбур».

ШАНБА, 10

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!», Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Кўнгли қолма муҳаббатдан».

«Спорт китъаси». 9.30 «Кичик мамлакат». 9.45 «Мак ва Матли».

18.00 Кундалик. 18.10 Бугун пайшанба дастурида. 18.15 Ўзлонлар.

ЖУМА, 9

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!», Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Хўфли қўлгадан».

ЯҚШАНБА, 11

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!», Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 «Камлақ». Боллар учун кинодастури. 9.20 «Катта танлафуз».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Хамдаги муҳаббат».

18.00 «Хамдаги муҳаббат».

ШАНБА, 10

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!», Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Ўзбектеlevision» намойиш этади: «Кўнгли қолма муҳаббатдан».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Хамдаги муҳаббат».

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВА ИСЛОҲОТ

КЕЛАЖАК — БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Наманганда «Касб-хунар таълими ўқув юртлирида маъиший хизмат соҳаларига ишчи кадрлар тайёрлаш ва аҳолига маъиший хизмат кўрсатиш» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон республикалари халқ таълими бошқармалари бошлиқларининг ўринбошлари, шу соҳа билан шуғулланувчи мутасад-

дилар ҳамда республика «Ўзмаишийхизмат» уюшмаси раҳбарлари иштирок этдилар. Икки кун давом этган семинар-кенгаш ва бу ердаги ибрат олса арзигулик ишлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Лекин биз бу борада семинар-кенгаш иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишни лозим топдик.

Х. МАЪСУДОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири ўринбосари:

— Жойларда маъиший хизмат шаҳобчаларини кўпайтириш, аҳолининг бундан қисмини хизматнинг бу турларига жалб этиш тўғрисида кўп гапирилипти-ю, етарли даражада амалий иш олиб борилмапти. Бу соҳада бизнинг ҳам камчиликларимиз йўқ эмас. Бундан тегишли хулоса чиқариб, мукаммал дастур ишлаб чиқдик. Ҳозир ҳамма вилоятларда шу дастур асосида иш олиб боряпмиз. Айтиш мумкин, ҳунар-таълим масканларида аҳолига маъиший хизмат кўрсатишнинг барча турлари бундан мутахассислар тайёрланмоқда. Бу ишларни ҳар бир вилоятнинг маҳаллий шароити, имкониятини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилаётимиз.

Эндиликда биз ўз олдимизга иккинчи бир масалани қўйдик. У ҳам бўлса, ҳунар-таълим масканлари қосида аҳолига маъиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил қилишдан иборат. Бу билан, биринчидан, шу жойларда радио-телевизор тўзатиш, саргарошлик, тикувчилик каби хизмат турлари ишга тушиб, аҳолига қўлайлик яратилса, иккинчидан, ўқув-тарбия ишлари амалиёт билан қўшиб олиб

борилди. Бу борада Наманганда ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Биз уни оммалаштириш ва янада тақомиллаштириш мақсадида шу ерда семинар-кенгаш ўтказишга қарор қилдик.

Мавруди келганда яна бир муаммо ҳақида ўйталиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман. Матълумки, қишлоқ жойларида маъиший хизмат турларини кўпайтириш, аҳолининг бундан қисмини бу ишларга жалб қилиш «Ўзмаишийхизмат» уюшмаси раҳбарларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Бироқ уларда ташаббускорлик етишмапти. Акс ҳолда улар бизга буюртмачи бўлиши, ҳунар-таълим масканлари билан мустақам алоқа ўрнатишлари лозим эди. Биз бундан ҳисобга олиб уюшма раҳбарларини ҳам семинар-кенгашга таклиф қилдик.

Б. ҲАКИМОВ, «Ўзмаишийхизмат» уюшмаси ўқув комбинати директори:

— Қишлоқ жойларида маъиший хизмат шаҳобчаларини кенгайтириш учун, аввало, мутахассис кадрлар етарли бўлиши лозим. Шу боис соҳа кадрларини тайёрлаш энг долзарб масалалардан бири. Тўғри, бундай талбирларни биз ташкил қилишимиз, ташаббускорли бўлишимиз лозим эди. Бу соҳада халқ таълими вазирилик фа-

олий кўрсатганидан миннатдоримиз. Ўз фаолиятимизга келдик, барча вилоятларнинг марказларида республика ўқув комбинатларининг шаҳобчаларини ташкил қилишга киришдик. Ҳозир 7 та вилоят марказида ана шундай шаҳобчалар ишлаб турибди. Муҳими, маҳаллий шароитдан, аҳоли талабидан келиб чиқиб кадрларни касба йўналтиришга алоҳида эътибор беряпмиз. Бизнинг ҳисоб-китобларимизга қараганда бу йил республикамиз бўйича 40 минг нафар кадр тайёрлашимиз лозим. Шундан 18 минг нафари бевосита ўзимизнинг ўқув комбинатларимизда сабоқ олишди. Қолганлари эса халқ таълими вазириликга қарашли ҳунар-таълим масканларини битириб чиқишди. Шунинг учун ҳам биз улар билан ҳамкорлик қилишимиз, биргалликда иш олиб боришимиз жуда-жуда зарур.

А. АБДУХОЛИҚОВ, Қорақалпоғистон республикаси халқ таълими вазири ўринбосари:

— Семинар давомида Қосонсой, Чортоқ туманларидаги касб-хунар лицейларида бўлиб, уларнинг фаолиятлари билан танишдик. Шунингдек, Наманган шаҳри марказида вилоятдаги барча ҳунар-таълим масканлари ва мактаб ўқувчилари ўз қўллари билан тайёрлаган маҳсулотлар кўргазмасини томоша қилдик. Болалар томонидан ишлаб чиқилган санаот ва халқ истеъмоли маҳсулотлари вилоятда миллий ҳунармандчилик ривожланганлигини яққол кўрсатди. Айниқса, халқ амалий санъати наъмуналари, унутилиб бораётган касб ва ҳунарларнинг қайта жонланаётгани, семинар қатнашчиларининг ҳаммасини қувонтиради.

— Матълумки, илгарилари касб-хунар мактабларига эътибор берилмасди. Шунинг учун ҳам бу ерларга мактабларда ўзлаштириши паст, қолоқ болаларни юбориш одат тусини олганди. Биз, аввало, касб-хунар мактабларига мана шундай паст назар билан қарашга чек қўйдик. Яъни, фаолиятимизни тубдан қайта қурдик. Орадан кўп ўтмай мактабимизга болаларни танлов асосида қабул қилиш йўлга қўйилди. Утган йили эса бизда касб-хунар ўрганиш, ўқиш истagini билдириб ҳужжат топширган 561 болалдан 180 нафарини тест синовлари асосида қабул қилинди. Автомобиль чилангарлиги ва ҳайдовчилик касбларига ҳар бир ўринга

ЯНГИЧА ТАЖРИБА АМАЛДА

Ҳозирги пайтда халқ таълими соҳасида кечаятган тўб ўзгаришлар жараёни таълим тарбия ишларини ташкил этишда ижобий изланишлар, кенг қўламада фикрлаш ва тежамкорликни таъзао этмоқда.

Ўқувчиларга пухта, чуқур билим беришни турли шакллари яратилиб, амалда қўлланилапти. Ана шундай усуллардан бири — янги педагогик технология асосида ўқитишдир. Бунинг учун муаллимлар махсус тайёрликка эга бўлишлари лозим. Аммо ҳозирги шароитда барча фанлар ўқитувчиларининг вилоятлар ва марказий малага ошириш институтларида малакаларини оширишлари аниқ мушкул. Шу боис Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтининг табиий фанлар кафедраси профессор-ўқитувчилари бевосита жойларнинг ўзида ўқитувчиларини янги педагогик технология бўйича дарс ўтишга тайёрлаш масаласига эътибор беришяпти. Хусусан, яқинда бир гуруҳ ана шундай мутахассислар Сурхондарё вилоятининг Шурчи туманида бўлишиб, «Биология фанини янги дастур ва дарсликлар асосида ўқитиш» мавзусида махсус курс ташкил этишди. Унда Денов, Олтинсой, Шеробод, Жарқўрғон ҳамда Кўмкўрғон туманларидан келган 40 нафар биология фани ўқитувчилари тахсил олди. Ун икки кун давом этган ушбу ўқув мубайнида муаллимлар янги дастур ва дарсликлар тўғрисида, уларни олдингиларидан афзалликлари ҳамда ўқувчиларга билим беришнинг янги усуллари ҳақида батафсил тўшуна олишди. Шу билан бирга курс давомида «Табиий фанлар ўқитувчилари, методистлари ва назоратчиларини янги дарс технологиялари ҳақида тайёрлашнинг шакли ва усуллари» мавзусида семинар-кенгаш ҳам ўтказилди.

Юсуф ТУРДИҚУЛОВ.



Нодира Қурбонова Сирдарё шаҳридаги 3-мактабнинг 2-синфида тахсил олади. Ўқишлари намунади. У ҳам бошқа тенқурлар қатори ўйинқароқ, Веселосип минниши, тўп ўйнашни, аргимчоқда учини ёқтиради. Дугоналари билан қувлашма-чоқ ўйнаб, эртақ айтишади. Аммо уйда ойисининг дастёри, уй-юмуш ишларида ёрдамчи. Ониси Маҳбуба

НОЁБ ҚОБИЛИЯТЛИ ҚИЗАЛОҚ

опа тикувчи эмасми, жажжи Нодирада ҳам шу соҳага қизиқиш катта. У барча марказдаги тикув машиналаридан фойдаланишни тўла ўзлаштириб олган. Қўйриқчоқларига қўйлақча ва рўмоллар, кроватчаларига кўрпача ва ёстиқчаларни ўзи тикади. Бунинг ўстига, Н. Қурбонова ёш хонанда сифатида ҳам республикамиз санъат ихлосмандларига яхши таниш. Бадиий ҳаваскорларнинг кўпгина кўрик-танловларида роилиблик шохсупаларидан ўрин олиб келётган хушроқ қўшиқчи қатнашчи бастакор Анар Назарова, Алишер Икромов, Дилором Омонуллоева, Бахшлла Лутфуллаевлар устозлик қилиб, янги асарлар билан таъминлаб турибди.

Бироқ, Нодираҳоннинг шу пайтгача кўпчилик сезмаган ноёб

«ШУНҚОРЛАР»

Жиззахда ўтказилган ҳарбий-спорт ўйинлари шундай номланди

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш борасидаги ишларни сифат жиҳатдан яхшилаш, ёш авлоднинг ватанпарварлик руҳида тарбиялаш нақадар муҳимлиги ҳисобга олинди бу оммавий тадбир ўтказилди. «Қамолот» жамғармасининг вилоят бўлими ташаббускор бўлди. Мазкур ўйинларни тайёрлаш ва ўтказиш штабининг бошлиғи Ҳайдар Норқаевдан унинг моҳиятини шарҳлаб беришни сўрадик.

— Мусобақалардан мақсад — армия ёшлари йигитларда миллий қўшиқларимиз сафида хизмат бурчларини ўташга тайёрлик даражасини аниқлаш ва бу билан мактабларда, ҳунар лицейлари ва гимназияларда, бошқа ўқув юртлирида ҳарбий-ватанпарварлик таълими қандай йўлга қўйилгани-

лоят ҳоқимлиги, мудофаага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, халқ таълими, соғлиқни сақлаш органлари, жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, «Нуроний» жамғармаси, касба уюшмалари яқин кўмақлаш бўлиб, ҳамжиҳатлик дастурини муваффақиятли амалга оширишга фаоллик кўрсатдилар. Уйин Низомига кўра мусобақаларда умумтаълим мактабларидан танловнинг ҳарбий билим асосларини эгаллаган юқори синф ўқувчилари қатнашди. «Ёш армиячи» мақомини олган бу болалар беллашулда хизматга қақрилувчи олдига қўйилган бурч-вазифаларни намоён этдилар. Дастлабки босқич

Халқ сўзи НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

саккиз нафардан ўқувчи тўғри келди. Бозор иқтисодиёти, ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб, бир қатор янги мутахассисликлар бўйича каллар тайёрлашга киришдик. Кичик корхона ва фермер ҳўжаликларига ҳисобчи, газначи, ЭҲМ операторлари мутахассисликлари шулар жумласидандир.

Мақтабимизни янада кенгайтириш, ривожлантириш учун имкониятларимиз етарли. Ҳозир ҳисоб рақамимизда 5 миллион сўмдан ортиқ маблағимиз бор.

Бу маблағ қардан келган, аниқроғи, қандай топишган? Биринчидан, 15 гектар еримиз бор, иккинчидан, мактабимиз қосида 10 дан ортиқ маъиший хизмат шаҳобчаларимиз ишлаб турибди. Мактабимиз Шўрқўрғон қишлоғи марказида жойлашган. Бу ерда 10 мингдан зиёд аҳоли яшайди, шаҳардан анча узоқ. Лекин қишлоқ аҳолисининг бирортаси радио, телевизор бузилиб қолса ёки ўзларига, болаларига кийим-кечак харид қилмоқчи бўлса шаҳарга бориб овора бўлмайди. Аксинча, шаҳарликлар бизнинг маҳсулотларимизни олиб кетишади. Деҳқончилик ва аҳолига пулли хизмат қилиб, ўтган йили бир миллион 600 минг сўм даромад қилдик. Яқинда яна 20 гектар қўшимча ер олдик. Бу йил битта «КЕЙС» комбайни сотиб олмақчимиз.

Семинар-кенгаш иштирокчиларининг таъкидлашича, вилоятда ўтказилган бу тадбир болаларни касб-хунарга йўналтиришга ва қишлоқ жойларига маъиший хизмат шаҳобчалари фаолиятини янада яхшилашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Абдуҳошим МАДАТОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



Имплатация нима у? Урнатилган тиш қопламаларининг худди асл ҳолидагидек намоён бўлишидир. Қўқон шаҳрида республика имплатология-стоматология маркази ташкил этилган. Ушбу маскан Хитой, Болгария, Германия, Италия билан ҳамкорликда иш олиб

борапти. Сиз суратда марказ раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Бахтиёр Мансуров ҳамда олий тоифадаги жарроҳ-стоматолог Турсунали Муллаевни кўриб турибсиз. И. МАМАРАҲИМОВ тасвирга олган.

НУРЛИ СИЙМОЛАР

ЮРТИМИЗ МАРТУНИ

У Қўнғиротда туғилиб, Тошкентда тарбияланган эди...

Тошкент давлат университетининг маданият саройида таниқли қозоқ шоири, юртимиздан чиққан оқин Тўлеген Ойбергенов (1937--1967) нинг хотирасига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечани Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирилик, республика Ёзувчилар уюшмаси ҳамда қозоқ маданий маркази мутасаддилари ташкил этдилар.

дўстлари эди. Афсуски, шоирга умр вафо қилмади -- 30 ёшида касаллиб, Нукус шаҳрида дунёдан ўтди. Лекин шоир қўшиқлари ҳамон халқнинг тилида, дилида.

Қозоқ маданий маркази раиси Турсунам Холбоев йиғилишни очар экан, шоир ижодидаги ватанпарварлик, халқлар дўстлиги туйғуларини юксак бадиий таваллуд очиб берилгани ҳақида гапирди. Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққан республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, Ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари Йўлдош Сулаймон, чет эллар билан малайи алоқалар Ассоциациясининг раиси М. Мирқосимов, мамлакатимиздаги Қозғистон элчихонасининг биринчи котиби Баҳром Аунасов ва бошқалар шоир ижодидаги ҳамон долзарблигини йўқотмаган қирралар ҳақида фикр юритдилар. Дарҳақиқат, Тўлеген Ой-

бергенов -- юртимизнинг чин фарзанди, қозоқ, ўзбек, қорақалпоқ халқларининг дўстлигини қўйлаб ўтган фидойи истеъод эди. У Қўнғирот шаҳрида таваллуд топган, Тошкентда олий таълим олган, Қўнғирот, Бўстонлик, Шимкент шаҳарларида ишлаган, ҳаётининг сўнгги йилларида Қозғистон Ёзувчилар уюшмаси тарғибот марказида ташкилотчи бўлиб хизмат қилган эди. Шоирнинг «Қумдаги миноралар» тўплами Қозғистон Ёшлар Кўмитаси мукофотига сазовор бўлган. Қозғистонда машҳур бўлган шоир ва адиблар Абдулла Тожибоев унинг узости Муқағали Мақатов, Мухтор Шаханов, Тинишбой Раҳимовлар эса даврадош

ЖАРРОҲЛИКДА ЯНГИ УСУЛ

Самарқанд тиббиёт институтининг иккинчи клиникасида мамлакатимизда биринчилар қаторида криолазеротерапия ва амбулатория шароитидаги жарроҳлик маркази очилди.

Энди бу ерга мурожат қилган кишилар жойида ёки тананинг бошқа жойида пайдо бўлган шишлардан жарроҳ тигисиз халос бўлишмоқда. Чунки тиг ўрнини лазер нури ва 180 даражага чав сувтилиб, суелтирилган азот босмоқда. Тўғри, ҳозир лазеротерапияни кўпгина тиббиёт муассасаларида қўллаётган бўлишса-да, аммо криохирургия ҳақида бундай гапни айтиш қийин. Тажрибанинг кўрсатишича криохирургия даволашнинг энг замонавий ва самарали усуллари сирасига кириди. Унда қон чиқарилмай жарроҳлик аралашуви амалга оширилади. Илгари беморлар бир неча кун ётиб даволанган бўлишса, энди бунга криолазеротерапия тўфайли умуман ҳожаат қолмаёттир.

М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОЙ ТАЪМИНОТ ВАЗИРЛИГИНИНГ РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1997--1998 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН НОГИРОН ЎГИЛ-ҚИЗЛАРНИ КАБУЛ ҚИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ХОДИМЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ

- 1. Ҳар хил турдаги кийимларни тикувчи усталар. Ўқиш муддати 2-3 йил.
2. Маъиший уй-рўзгор электр асбобларини таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 1 йил.
3. Соатларни таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 1 йил.
4. Оёқ кийимларини тикувчи ва таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 1 йил.
5. Тикув машиналарини таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 1 йил.
6. Давлат, кичик корхона ва тижорат тизимида ишловчи ҳисобчилар. Ўқиш муддати 1 йил.
7. Компьютерда ишловчи мутахассислар. Ўқиш муддати 1 йил.
8. Саргарошлар. Ўқиш муддати 1 йил (шартнома асосида).
9. Радиоаппаратураларни таъмирловчи усталар. Ўқиш муддати 2-3 йил.
10. Қўзи оғизлар. Ўқиш муддати 1 йил.
Ўқиш муддати 1-2 йил бўлган гуруҳларга 11-синфни битирганлар қабул қилинади. Ўқиш муддати 3 йиллик гуруҳларга 9 синфни битирганлар қабул қилинади. Билим юртини тугатгандан сўнг, олган ихтисослари бўйича диплом оладилар. Ўқишга қабул қилинганлар стипендия билан таъминланади. Ишлаб чиқариш амалиёти даврида ўқувчиларга иш ҳақининг 50 фоизи тўланади. Билим юрти ётоқхона ва спорт комплексига эга.
Билим юртига қирувчилар қўйидаги ҳужжатларни топирадилар.
1. Директор номига арза.
2. Маълумоти ҳақидаги гувоҳнома асли нусхаси.
3. Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома асли нусхаси.
4. 086 формадати медицина маълумотномаси.
5. Ота-онасининг иш жойидан маълумотнома.
6. Турар жойдан маълумотнома.
7. Иجتимоий таъминот бўлимидан йўлланма.
8. Ногирон болалар учун тиббий меҳнат экспертиза комиссиясининг таъсирномаси (ТМЭК).
9. 4 та 3х4 ҳажмидаги фото сурат.
10. Папка ва бир дона конверт.
Билим юрти мазмунлари: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 47-уй. Маълумот учун телефонлар: 78-78-80, 78-82-72.
Транспорт: 4, 9-трамвайлар, ҳамда 2, 13, 33, 77-автобусларнинг «Кўзи оғизлар комбинати» бекани. Ҳужжатлар 15 майдан ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.